

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮКУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ
ТАДКИКОТ ИНСТИТУТИ**

ТУРАБОВА НОЗИМАХОН РАХМАТУЛЛАХОДЖАЕВНА

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА SARS-CoV-2
ВИРУСИ АНТИТАНА ПРОФИЛЛАРИНИНГ ТАШХИСЛАШ
АҲАМИЯТИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

| | |
|---|----|
| Турабова Нозимахон Рахматуллаходжаевна COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 вируси антитана профилларининг таъхислаш аҳамияти..... | 3 |
| Турабова Нозимахон Рахматуллаходжаевна Диагностическая значимость профилей антител к вирусу SARS-CoV-2 у больных COVID-19..... | 23 |
| Turabova Nozimakhon Rakhmatullakhodjaevna Diagnostic significance of antibody profile to SARS-CoV-2 in COVID-19 patients..... | 44 |
| Эълон қилинган нашрлар рўйхати Список опубликованных работ Lists of published works | 48 |

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮКУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ
ТАДКИКОТ ИНСТИТУТИ**

ТУРАБОВА НОЗИМАХОН РАХМАТУЛЛАХОДЖАЕВНА

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА SARS-CoV-2
ВИРУСИ АНТИТАНА ПРОФИЛЛАРИНИНГ ТАШХИСЛАШ
АҲАМИЯТИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib2956 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Тошкент тиббиёт академияси ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсутдинова Максуда Илясовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилова Адолат Абдурахимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Касимов Илхамджан Асамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда COVID-19 (SARS-CoV-2) коронавирусга қарши олиб борилаётган кураш чора-тадбирлари мажмуасига қарамасдан касаллик ривожланиб бормоқда. Айниқса, вирус геномидаги мутацияларнинг иммунитетга таъсири, вакцина самарадорлиги ва қайта юктириш эҳтимолини аниқлаш долзарб бўлмоқда. Мутахассислар маълумотига кўра, «... COVID-19 касаллигини келтириб чиқарувчи SARS-CoV-2 бетакоронавируслар гуруҳига кириши, SARS-CoV ва MERS-CoV. коронавируслари билан яқин генетик алоқага бўлиши билан ўз навбатида, уларнинг мутациялари иммунитетни заиф одамларда турли респиратор инфекцияларни келтириб чиқаришда иштирок этади»¹. COVID-19 патогенезининг мураккаблиги, унинг ўзига хос профилактика (эмлаш) воситаларининг етишмаслиги касалликларга қарши курашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва доимий иммунитетни таъминлашга қаратилган даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида COVID-19 билан касалланган беморларда эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада коронавирус инфекциясини келтириб чиқарган вируслар хусусиятларини аниқлаш, COVID-19 да серологик ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, касалликда SARS-CoV-2 вирусга қарши ўзига хос антитаналар ишлаб чиқарилишини аниқлаш, касалликни олдини олиш ва даволаш, клиник кечиши беморлар туғма ва адаптив иммунитетига боғлиқлигини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда беморларда вирусга қарши антитана профилларини аниқлаш, COVID-19 ни клиник кечишини прогнозлаш, даволаш ва профилактикасига тизимли ёндашиш, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида юқумли касалликлар, жумладан COVID-19 коронавирус инфекцияси бўлган беморларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...касалликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхис қилиш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирламчи тиббий-санитария муассасалари ўртасида тузилмавий боғлиқлик ва ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятни йўлга қўйиш»² каби вазифалари

¹ Hu B, Guo H, Zhou P, Shi ZL. Characteristics of SARS-CoV-2 and COVID-19. Nat Rev Microbiol. 2021 Mar 6;19(3):141–54.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон фармони

белгиланган. Бундан келиб чиққан холда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, COVID-19 юқтирган шахсларни барвақт аниқлаш, самарали профилактика ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ва 2020 йил 22 июлдаги 449-сон «Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 4 августдаги 461-сон «Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иммуниет тизимининг COVID -19 ни келтириб чиқарувчи SARS-CoV-2 вируси билан ўзаро таъсири муаммоси жаҳон илмий ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Тадқиқотлар бир нечта асосий жиҳатларни қамраб олади. Туғма иммуниет-молекуляр механизмлари, шу жумладан паттерн-аниқлаш рецепторлари (PRR) ва уларнинг вирусли инфекцияга қарши курашдаги роли аниқланган (Lee CYP., Lin R.T.,Penia L.Ng L.F.P.2020; Bohn MK, Lippi G, Horvath A. ва бошқалар 2020; Escandón K, Rasmussen AL, Bogoch II, ва бошқалар 2021; Дуванова О.В., Чемисова О.С, Носков А.К. 2022;). Адаптив иммуниет: Т- ва В-лимфоцитларининг реакцияларига эътибор қаратилиб, касаллик ёки эмлашдан кейин иммунологик хотиранинг жиҳатлари аниқланган. Вирус вариантлари ва иммун яъни вирус геномидаги мутацияларнинг иммуниетга таъсири, вакцина самарадорлиги ва қайта юқтириш эҳтимоллари аниқланган (Du L, He Y, Zhou Y. et al. 2009; Чурина Э.Г, Ситникова А.В., Уразова О.И, ва бошқалар 2019; Bakhiet M, Taurin S. 2021; Мухамедова ЗМ, Атамуратова ФС. 2022; Garnica M, Aiello A, Ligotti ME, et al. 2022; Gu W, Gan H, Ma Y. et al. 2022). Цитокин бўронлари: айниқса касалликнинг оғир шакллари бўлган беморларда ортиқча иммуниет реакцияларини назорат қилиш стратегиялари бўйича ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилмоқда. Вакциналар ва иммунотерапия: COVID-19 нинг профилактикаси ва даволаш учун вакциналар ва

иммунотерапия усуллари ишлаб чиқилган ва баҳоланган (Huang K.J., Wu I.J., Theron M. et al. 2005; Roberts L. 2020; Borisevich S V., Onischenko GG, Sizikova TE, Lebedev VN. 2021; Han X, Xu P, Ye Q. 2021; Hartley GE, Edwards ESJ, O’Hehir RE, van Zelm MC. 2022; ; Montazersaheb S, Hosseiniyan Khatibi SM, Hejazi MS, et al. 2022; Lee KM, Lin SJ, Wu CJ, Kuo RL. 2023; Dillard JA, Taft-Benz SA, Knight AC, et al. 2024).

Тугма иммунитетнинг фаоллаштирилган TLR ва RLR каби рецепторлари организм химоя фаолиятини оширишда асосий рол ўйнайди. Вирусли инфекцияга жавобан сифатида ишлаб чиқариладиган интерферонлар вирус тарқалишини чеклашдаги муҳим роли аниқланган (Lagunas-Rangel F.A. 2020; Azkur AK, Akdis M, Azkur D, et al. 2020; Shi Y., Wang Y., Shao C. et al. 2020; Kumar KSR, Mufti SS, Sarathy V, Hazarika D, Naik R. 2021; Alipoor SD, Mortaz E, Jamaati H, et al. 2021; Mehata AK, Viswanadh MK, Priya V, Vikas, Muthu MS. 2021). SARS-CoV-2 вариантлари бўйича тадқиқотлар, уларнинг мутациялари иммунитет химояси самарадорлигига ва қайта инфекция юқиш эҳтимолига қандай таъсир қилиши мумкинлигини ҳақида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳаддан ташқари иммунитет реакциясидан келиб чиққан цитокин бўронлари ушбу ҳодисани назорат қилиши исботланган (Борисовна Н.Д, М.М. 2009; М.П. Костинова 2020; Амрозиева Т, Паклонская Н. 2020; Garcia-Beltran WF, Lam EC, Astudillo MG, et al. 2021).

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, вакцина ва иммунотерапия тадқиқотлари касалликларга қарши курашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва доимий иммунитетни таъминлашга қаратилгандир. Шу муносабат билан эмлаш стратегияларини оптималлаштириш ва вирус вариантларидан узоқ муддатли химояни таъминлаш йўналишида тадқиқотлар ўтказишнинг долзарблиги ва зарурати юқорилигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Вирусология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ 01.1100158 « COVID-19 ни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш (2019-2022 йй)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 вируси антитана профилларининг ташхислаш аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 билан касалланган беморларнинг ёши ва гендер тавсифи ҳамда клиник кечиши оғирлигининг ўзига хос антитаналар ишлаб чиқаришга таъсирини аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда яллиғланиш ҳолати ва клиник кечиши оғирлигини ўзига хос антитаналар миқдорига қараб аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда туғма ва адаптив иммун жавоб кўрсаткичлари ҳолатини ўзига хос антитаналар миқдорига қараб аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда коронавирუსга қарши табиий ва орттирилган иммун жавоб шаклланиши хусусиятларини ўзига хос антитаналар миқдорига қараб аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2021 йилларда "Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мулжалланган 1-сон Зангиота махсус шифохонаси" ДҚ ва РИЭМЮПКИАТМ Вирусология илмий-тадқиқот институти назоратида бўлган турли даражадаги COVID-19 билан касалланган 156 нафар беморлар ва 28 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида COVID-19 билан касалланган беморлар ва соғлом шахслар вена қони ва қон зардоби иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, молекуляр-биологик (ПЗР), иммунологик (ИФА, ИХЛА) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг ўрта даражада кечиши вируснинг спайк оқсили (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналарнинг паст миқдорида, ўзига хос IgM ва IgGнинг паст ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинларнинг юқори миқдорларда бўлиши билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор COVID-19 да касалликнинг оғир даражада кечиши вируснинг спайк оқсили (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналарнинг юқори фонида, ўзига хос IgM ва IgG нинг юқори ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинларнинг паст миқдорларда бўлиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор SARS-CoV-2 нуклеокапсид оқселига нейтраллаш антитаналари касалликдан кейин, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари вакцинацияланда учраши ва ҳар иккала тоифадаги беморларда ушбу антитаналарнинг мавжудлиги эса табиий инфекцияга нисбатан эрта иммун жавоб ҳосил бўлиши билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор SARS-CoV-2 нуклеокапсид оқселига нейтраллаш антитаналари, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари миқдорлари реконвалесцентларда COVID-19 инфекцияси билан касалланмаганларга нисбатан бир ойгача ишонарли юқори бўлиши, кейинчалик эса барча эмланган шахсларда антитаналарнинг миқдори касаллик оғирлигига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, узок муддатда иммун жавобнинг қатъийлигида сезиларли фарқлар йўқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда иммунитетнинг яллиғланишга хос ((ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6)) цитокинлари миқдорини аниқлаш асосланган;

илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 нуклеокапсид оксигиға нейтраллаш антитаналари, RBD-S га нейтраллаш антитаналари ва SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари миқдорини аниқлаш асосланган;

касаликдан 24 ҳафта ўтгач, касалликнинг оғирлигидан қатъий назар, барча беморларда антитаналар миқдорининг деярли бир хиллиги аниқланган ва қарши курашиш чораларини шакллантириш муҳимлиги тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 вируси антитана профилларининг ташхислаш аҳамияти аниқлаш натижасида касаллик ўрта даражада кечишида вируснинг спайк оксиги (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналарнинг паст миқдорида, ўзига хос IgM ва IgGнинг паст ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинларнинг юқори миқдорларда бўлиши аниқланганлиги, оғир даражада вируснинг спайк оксиги (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналарнинг юқори фонида, ўзига хос IgM ва IgG нинг юқори ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинларнинг паст миқдорларда бўлиши аниқланганлиги, SARS-CoV-2 нуклеокапсид оксигиға нейтраллаш антитаналари касалликдан кейин, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари вакцинацияланда учраши ва ҳар иккала тоифадаги беморларда ушбу антитаналарнинг мавжудлиги эрта иммун жавоб хосил бўлиши билан боғлиқлиги исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 билан касалланган беморларда иммунитетнинг яллиғланишга хос ((ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6)) цитокинлари миқдорини аниқлаш асосланганлиги, беморларда SARS-CoV-2 нуклеокапсид оксигиға нейтраллаш антитаналари, RBD-S га нейтраллаш антитаналари ва SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари миқдорини аниқлаш асосланганлиги ва касалликдан 24 ҳафта ўтгач, касалликнинг оғирлигидан қатъий назар, барча беморларда антитаналар миқдорининг деярли бир хиллиги аниқланган ва қарши курашиш чораларини шакллантириш муҳимлиги тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. COVID-19 билан касалланган

беморларда SARS-CoV-2 вируси антитана профилларининг ташхислаш аҳамияти аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг ўрта даражада кечиши вируснинг спайк оқсили (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналарнинг паст миқдорида, ўзига хос IgM ва IgGнинг паст ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинларнинг юқори миқдорларда бўлиши билан боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича «SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг COVID-19 билан касалланган беморлар ва реконвалесцентларда ташхисий аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Эксперт кенгашининг 2023 йил 4 июлдаги 27-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 77-сонли ҳамда Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 47-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/74-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, лаборатория томонидан тасдиқланган ташхис қўйиш, бу эса ўз навбатида беморни етарли даражада бошқариш, оғир ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ва беморларни даволаш тактикасини танлашга имкон яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига жорий этилиши COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг аниқланиши ва вакцинация қилиниши касалликнинг оғир даражада кечишида бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 18560575 сўм, ўрта даражада кечишида 8063259 сўм ва енгил даражада кечишида 4279739 сўмни ташкил қилган. *Хулоса:* COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғир, ўрта ва енгил даражада кечиши вируснинг спайк оқсили (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналар, ўзига хос IgM ва IgG ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинлар миқдорларига боғлиқлиги асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор COVID-19 да касалликнинг оғир даражада кечиши вируснинг спайк оқсили (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналарнинг юқори фонида, ўзига хос IgM ва IgG нинг юқори ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинларнинг паст миқдорларда бўлиши билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича «SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг COVID-19 билан касалланган беморлар ва реконвалесцентларда ташхисий аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Эксперт кенгашининг 2023 йил 4 июлдаги 27-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 77-сонли ҳамда Жиззах

вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 47-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/74-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, лаборатория томонидан тасдиқланган ташҳис қўйиш, бу эса ўз навбатида беморни етарли даражада бошқариш, оғир ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ва беморларни даволаш тактикасини танлашга имкон яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига жорий этилиши COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг аниқланиши ва вакцинация қилиниши касалликнинг оғир даражада кечишида бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 18560575 сўм, ўрта даражада кечишида 8063259 сўм ва енгил даражада кечишида 4279739 сўмни ташкил қилган. *Хулоса:* COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғир, ўрта ва енгил даражада кечиши вируснинг спайк оксиди (RBD-S SARS-CoV-2) рецепторларини боғловчи доменга нейтралловчи антитаналар, ўзига хос IgM ва IgG ва яллиғланишга хос (ИФН-γ, ИЛ-2, ИЛ-6) цитокинлар миқдорларига боғлиқлиги асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор SARS-CoV-2 нуклеокапсид оксидига нейтраллаш антитаналари касалликдан кейин, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари вакцинацияланда учраши ва ҳар иккала тоифадаги беморларда ушбу антитаналарнинг мавжудлиги эса табиий инфекцияга нисбатан эрта иммун жавоб ҳосил бўлиши билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича «SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг COVID-19 билан касалланган беморлар ва реконвалесентларда ташхисий аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Эксперт кенгашининг 2023 йил 4 июлдаги 27-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 77-сонли ҳамда Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 47-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/74-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, лаборатория томонидан тасдиқланган ташҳис қўйиш, бу эса ўз навбатида беморни етарли даражада бошқариш, оғир ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ва беморларни даволаш тактикасини танлашга имкон яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига жорий этилиши COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг аниқланиши ва вакцинация қилиниши касалликнинг оғир даражада кечишида бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 18560575 сўм, ўрта даражада кечишида 8063259 сўм

ва энгил даражада кечишида 4279739 сўмни ташкил қилган. *Хулоса:* COVID-19 да SARS-CoV-2 нуклеокапсид оқсилга нейтраллаш антитаналари касалликдан кейин, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари вакцинацияланда учраши эрта иммун жавоб хосил бўлиши билан боғлиқлиги аниқланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор SARS-CoV-2 нуклеокапсид оқсилга нейтраллаш антитаналари, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари миқдорлари реконвалесцентларда COVID-19 инфекцияси билан касалланмаганларга нисбатан бир ойгача ишонарли юқори бўлиши, кейинчалик эса барча эмланган шахсларда антитаналарнинг миқдори касаллик оғирлигига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, узоқ муддатда иммун жавобнинг қатъийлигида сезиларли фарқлар йўқлиги аниқланганлиги бўйича «SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг COVID-19 билан касалланган беморлар ва реконвалесцентларда ташхисий аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Эксперт кенгашининг 2023 йил 4 июлдаги 27-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 77-сонли ҳамда Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 03.04.2023 йилдаги 47-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 05/74-сон маълумотномаси).

Ижтимоий самарадорлиги: олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, лаборатория томонидан тасдиқланган ташхис қўйиш, бу эса ўз навбатида беморни етарли даражада бошқариш, оғир ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ва беморларни даволаш тактикасини танлашга имкон яратади.

Иқтисодий самарадорлиги: илмий натижаларнинг Хоразм вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси амалий фаолиятига жорий этилиши COVID-19 билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 га RBD-S IgG антитаналарининг аниқланиши ва вакцинация қилиниши касалликнинг оғир даражада кечишида бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 18560575 сўм, ўрта даражада кечишида 8063259 сўм ва энгил даражада кечишида 4279739 сўмни ташкил қилган. *Хулоса:* COVID-19 да SARS-CoV-2 нуклеокапсид оқсилга нейтраллаш антитаналари, RBD-S га нейтраллаш антитаналари, SARS-CoV-2 га IgG га антитаналари миқдорлари реконвалесцентларда COVID-19 инфекцияси билан касалланмаганларга нисбатан бир ойгача ишонарли юқори бўлиши, кейинчалик эса барча эмланган шахсларда антитаналар миқдорида сезиларли фарқлар йўқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти кўрсатилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Янги коронавирус инфекцияси ва организмдаги иммунологик ўзгаришларнинг замонавий тушунчалари**» деб номланган биринчи бобида COVID-19 коронавирус инфекциясининг янги тури муаммосининг иммунологик ва клиник аҳамиятини акс эттирувчи адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бўлим қуйидаги асосий жиҳатларга бағишланган кенг қамровли адабиётлар шарҳи бўлади:

COVID-19 даги туғма иммунитет: SARS-CoV-2 вирусини таниб олиш ва жавоб бериш контекстида молекуляр механизмлар, нақшни танувчи рецепторлари (PRR) ва интерферон сигнализация йўллари таҳлил қилиш. COVID-19 да адаптив иммунитет: Т- ва В- лимфоцитларининг хусусиятларини, уларнинг инфекцияланган ҳужайраларни йўқ қилишдаги ролини, антитаначаларни ишлаб чиқаришни ва иммунологик хотирани шакллантиришни кўриб чиқиш. Вирус вариантлари ва уларнинг иммунитетга таъсири: SARS-CoV-2 нинг турли хил вариантларини ўрганиш ва уларнинг иммунитетни ҳимоя қилиш самарадорлигига таъсири, шунингдек, қайта инфекция қилиш имконияти. Цитокин бўронлари ва яллиғланиш реакциялари: SARS-CoV-2 билан оғриган беморларда цитокин бўронлари ва ўткир яллиғланиш реакцияларининг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш. Вакциналар ва иммунотерапия: замонавий вакциналарни ишлаб чиқиш стратегиясини кўриб чиқиш, вакциналар самарадорлигини таҳлил қилиш ва COVID-19 га қарши курашда иммунотерапия ёндашувлари.

Диссертациянинг «**COVID-19 билан оғриган беморларнинг клиник, лаборатор хусусиятлари ва амалий тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморларни киритиш ва чиқариб ташлашнинг умумий хусусиятлари ва мезонлари, тадқиқотнинг дизайни ва жойлашуви кўрсатилган. Диссертацияда тадқиқот объектининг хусусиятлари, қўйилган вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган усуллар ва услубий ёндашувлар

келтирилган. Тадқиқот 2020-2023 йилларда ўтказилган. Клиник материаллар тўплами 2020-2021 йилларда амалга оширилди. Тадқиқот сентябр 2020 йилдан июн 2021 йилгача, «Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга муважжалланган 1-сон Зангиота махсус шифохонаси» ДК га ётқизилган беморлар, шунингдек, Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникасига антитанача даражасини аниқлаш учун мурожаат қилган деярли соғлом ва эмлашдан кейинги инсонлар киритилган. Об'ектив текширувга Кетеле формуласига мувофиқ баландлик, вазн ва тана массаси индекси (ТВИ) каби антропометрик ўлчовлар киритилган. Тадқиқот иштирокчиларининг органлари ва тизимлари ҳам текширилди.

Коронавирус янги тури антитаначаларни аниқлаш учун SARS-CoV-2 коронавирუსининг рецептор боғлайдиган доменига антитаначаларни аниқлаш учун тестлар ишлатилган, жумладан, 2019-nCoV total Ab и 2019-nCoV IgG, SARS-CoV-2 S-RBD IgG (CLIA). Ушбу тестлар Shenzhen New Industries Biomedical Engineering Co., Ltd.(Snibe) Хитой томонидан ишлаб чиқарилган Maglumi 800 иммунохемилюминесцент анализатори ёрдамида амалга оширилди.

Коронавирус инфекциясининг янги турини молекуляр генетик текшириш учун потенциал беморларнинг назофаренгеал суртмаларида virus РНК сини юқори сифатли детекцияли аниқлаш учун "Ампли Прайм SARS-CoV-2 " тест тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақтда тескари транскрипция ва полимераза занжири реакцияси (ПЗР) усули ишлатилган.


Антитаначалар даражаси ва бошқа кўрсаткичлар Shenzhen New Industries Biomedical Engineering Co., Ltd.(Snibe), Хитой томонидан ишлаб чиқарилган Maglumi 800 анализаторида иммунохемилюминесцент усули ёрдамида ҳам аниқланди.

Ушбу тадқиқотда бирламчи тиббий хужжатлардан олинган маълумотлар тизимлаштирилди ва Microsoft Office Excel дастури ёрдамида беморларни индивидуал рўйхатга олиш карталарига киритилди. IBM SPSS Statistics версияси 26.0 (IBM, Chicago, IL, АКШ) дастурий таъминот пакетининг 26.0 версияси статистик таҳлил ва маълумотларни визуализация қилиш учун ишлатилган.

Колмогоров-Смирнов тести миқдорий хусусиятларнинг тақсимланишини таҳлил қилиш учун ишлатилган, бу маълумотларни тарқатиш турини баҳолаш ва тегишли таҳлил усулларини қўллаш имконини берди. Оддий тақсимот ҳолатида ўртача қиймат ва стандарт оғиш ($M \pm SD$) ҳисоблаб чиқилган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамияти мустақил намуналар учун талабанинг Стюдент t-критерия ёрдамида баҳоланди ва ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларнинг мустақамлиги Пирсон корреляцион таҳлили билан баҳоланди. Ўртача ва интерквartil интерваллар ($Me; 25/75$) ғайритабий тақсимланган маълумотлар учун ҳисоблаб чиқилган. Мустақил намуналар Манн-Уитни U-тести ёрдамида таққосланди ва қарам намуналар Уилкоксон тести ёрдамида таққосланди. Ўзгарувчилар ўртасидаги корреляциялар Спирмен ранг тести ёрдамида баҳоланди. Категорик ўзгарувчилар χ^2 -критерия ёрдамида таққосланди.

Статистик аҳамиятга эгалик даражаси $p < 0.05$ да ўрнатилди. Статистик таҳлиллар учун SPSS (IBM) ишлатилган. Маълумотларнинг график тақдими SPSS 26 ёрдамида амалга оширилди ва рақамли қийматлар иловада келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот иштирокчиларининг клиник ва лаборатор маълумотлари» деб номланган учинчи бобида беморларнинг касаллик тарихи ўрганилди, унда 156 бемор иштирок этди ва касалликнинг оғирлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва унинг ривожланиш хусусиятларини чуқурроқ тушуниш учун COVID-19 кечишининг турли жиҳатлари таҳлил қилинди. Беморлар касаллик кечишининг даражасига кўра тизимли равишда уч гуруҳга бўлинган, бу икки тоифадаги антропометрик, физик ва клиник лаборатория параметрларида сезиларли фарқларни аниқлади (1-расм).




1-расм. Тадқиқот иштирокчиларининг жинси бўйича тақсимланиши

Ушбу тадқиқотнинг асосий жиҳати ягона даволаш стандартларига риоя қилиш бўлиб, унда барча иштирокчилар COVID-19 диагностикаси ва даволаш бўйича Миллий кўрсатмалар тавсияларига қатъий мувофиқ диагностика, даволаш ва профилактикадан ўтдилар. Бу касалликларни бошқариш бўйича умумий стандартлар ва протоколларни яратиш учун асос яратди, бу кейинги хулосалар учун асосий элемент ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади касалликнинг оғирлиги билан боғлиқ омилларни аниқлаш ва инфекция жараёнидаги ўзгаришларнинг моҳиятини батафсил таҳлил қилиш эди. Ушбу мақсад доирасида COVID-19 кечишининг тўрт даражаси аниқланди ва касалликнинг оғирлигини фарқлашда ёшнинг ролига алоҳида эътибор қаратилди, айниқса касаллик оғир кечишига кўпроқ мойил бўлган беморлар кексалар эди. Антропометрик маълумотларнинг,

хусусан, тана вазни индексининг (ТВИ) сезиларли таъсири касалликнинг турли даражадаги кечишларини фарқлашда асосий омил бўлиб чиқди. ТВИ тақсимотидаги фарқлар унинг COVID-19 контекстида мустақил омил сифатида аҳамиятини таъкидлади. Тадқиқотлар шуни тасдиқладикки, ёш омили COVID-19 клиник кечиши оғирлигига сезиларли таъсир кўрсатади, кекса беморларда касалликнинг оғир даражаларини ривожланиш хавфи ва юқори ўлим даражаси ошади (2-расм).




2-расм. Жинс ва касалликнинг оғирлиги бўйича тана массаси индексининг 95% СИ (ишонч оралиғи) бўлган воситалардаги фарқи

Тадқиқот натижалари ва истиқболлари шуни кўрсатадики, олинган маълумотлар касалликнинг турли шакллари бўлган беморларни янада самарали даволаш ва олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган кейинги илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. COVID-19 нинг оғирлигига таъсир қилувчи асосий хавф омиллари семириш (юқори ТВИ), юрак-қон томир касалликлари, диабет ва сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОУК) каби сурункали касалликларнинг мавжудлиги эди.

Касаллик даврида иммунитет тизимининг ролига алоҳида эътибор берилади. Нейтрофиллар даражаси ва қондаги лимфоцитлар сонининг камайиши мос равишда яллиғланиш жараёни ва иммунитетнинг заифлашиши кўрсаткичлари сифатида таъкидланган. Яллиғланишнинг ўткир босқичи кўрсаткичлари сифатида эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) кўрсаткичлари ҳам ишлатилган. SARS-CoV-2 оқсилларининг турли қисmlарига антитаналар, айниқса RBD-S га антитаначалар каби яллиғланишнинг қўшимча белгилари касалликнинг оғирлиги билан боғлиқлигини кўрсатди, бу уларнинг иммун жавобини аниқлашда муҳимлигини таъкидлайди.

Касалликнинг турли огирлик даражадаги кечиши бўлган беморларда иммунитет реакцияларининг хилма-хиллиги сабабларни тўлиқ тушуниш ва даволаш стратегиясини оптималлаштириш учун кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Ёш, бўй, жинс ва ТВИ каби шахсий параметрларни ҳисобга олиш муҳимлиги COVID-19 кечишини таҳлил қилишда асосий калит сифатида таъкидланади. Ушбу параметрлар ўртасидаги муносабатларни тушуниш беморларнинг турли популяциялари учун янада самарали даволаш ва олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Шунингдек, Д-димер даражасида акс еттирилган қон ивиш тизимининг гиперкоагуляцияга таъсири ва COVID-19 нинг огир кечишида тромбоз хавфи ортиши ҳам таъкидланди. Д-димернинг юқори даражаси касаллик ривожланишини оғирлаштирадиган ва жиддий асоратларга олиб келадиган асосий омил бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**Туғма иммунитет тизимининг кўрсаткичлари ва орттирилган иммунитетнинг қатъийлиги бўйича тадқиқотлар натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда COVID-19 бўйича иммунологик тадқиқотлар тақдим этилган бўлиб, улар бир қатор қизиқарли жиҳатларни, шу жумладан интерферон гамма (ИФН- γ) ва интерлейкин (ИЛ) ролини очиб беради. ИФН- γ туғма ва орттирилган иммунитетни фаоллаштиришда асосий рол ўйнайди, бу вирусни бостиришга ва иммунитет реакциясини модуляциялашга ҳисса қўшади. Интерлейкинлар, ўз навбатида, танадаги юқумли ва яллиғланиш жараёнларини тартибга солувчи иммунитет тизимининг турли хужайралари ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсирларда иштирок этади. COVID-19 дан кейин орттирилган иммунитетнинг хусусиятларини аниқлаш узок муддатли иммунитет реакциясини тушунишда асосий рол ўйнайди.




3-расм. Касалликнинг оғирлигига қараб беморларда ИЛ - 2 даражасидаги ўзгаришларнинг хусусиятлари

Иммунитет реакциясининг интенсивлиги ва давомийлигини баҳолаш нафақат вакциналарнинг самарадорлигини баҳолашга, балки қайта инфекцияни олдини олиш ва пандемияни бошқариш бўйича янада самарали стратегияларни

ишлаб чиқишга ёрдам беради. Диссертациянинг ушбу бобида COVID-19 касаллиги даврида ИФН-γ ва ИЛ-2 даражасидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ушбу касалликдан кейин олинган иммунитетнинг кучланиш даражаси ва давомийлиги ҳақида сўз боради. ИФН-γ ва ИЛ-2 ларни ўрганиш учун COVID-19 касаллигининг турли даражадаги оғирлиги бўлган 18 беморнинг қон намуналари таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ИЛ-2 даражаси енгил ва ўрта оғир касалликка чалинган беморларда, шунингдек ўрта-оғир ва оғир беморларда сезиларли даражада фарқ қилади. Ушбу маълумотлар ИЛ-2 нинг COVID-19 нинг ривожланиши ва кечишида муҳим ролини кўрсатади, бу ерда юқори даражалар янада қулай натижа билан боғлиқ бўлиши мумкин (3-расм).

